

## ОРОЛ БЎЙИ МИНТАҚАЛАРИДАГИ ТАРҚАЛГАН ОЧ ТУСЛИ СЎР ТУПРОҚЛАРНИНГ ФИЗИК-КИМЁВИЙ ХОССАЛАРИ

**Ибодулла Нурматов Алиқулович**

Жанубий деҳқончилик илмий тадқиқот институти кичик илмий ходим

к/х.ф.ф.д., **Фарход Дониёрович Мамадиёров**

Жанубий деҳқончилик илмий тадқиқот институти, «Алмашлаб экиш ва тупроққа  
ишлов бериш» лабараторияси мудир.

[farkhod.mamadiyov@gmail.com](mailto:farkhod.mamadiyov@gmail.com)

### **АННОТАЦИЯ**

*Ушбу мақолада Орол бўйида тарқалган оч тусли сўр тупроқларининг қатламлар бўйича гумус миқдори, сувли сўрим таркибидаги сульфат ва хлор ионлари аниқланганлиги ҳақида фикр юритилган бўлиб, Орол бўйи экосистемасини ривожлантиришида худуднинг бир қисмини деҳқончиликга яроқли эканлиги акс эттирилган.*

**Калим сўзлар:** *тупроқ, гумус, сувли сўрим, қуруқ қолдиқ, хлор, сульфат, корбанат, ион, она жинс, чанг заррачалари, физик лой.*

### **ABSTRACT**

*In this article, the amount of humus, sulfate and chlorine ions in the watery soil of the light-colored sour soils distributed on the coast of the island were determined, and it was reflected that a part of the territory is suitable for farming in the development of the ecosystem of the island.*

**Key words:** *soil, humus, water absorption, dry residue, chlorine, sulfate, carbonate, ion, parent rock, dust particles, physical clay.*

## КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги.** Ҳозирги кунда дунё аҳолисининг барқарор ўсиш тенденцияси туфайли, озиқ-овқат маҳсулотларига ҳамда хом ашёсига бўлган талабнинг ортиши кузатилмоқда. Бу, ўз навбатида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун ер ва сув ресурсларини топиш, уларни оқилона ва самарали етиштириш ҳамда ерларнинг унумдорлигини ошириш ва уларни муҳофаза қилиш заруриятини туғдиради. Сайёрамизда қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш учун фойдаланиладиган майдонлари дунё ер фондининг 11% ни ташкил қилади, яйловлар ва ўтлоқлар эса ер фондининг 26% ни ташкил этади<sup>1</sup>. Ҳозирда дунё аҳолиси 7,8 миллиардни ташкил қилгани ҳолда аҳоли жон бошига ўртача 0,23 гектар ер майдони тўғри келади<sup>2</sup>, бу майдон, аҳоли сонини ошиши билан барқарор қисқариб боради. Шу сабабли, озиқ-овқат билан боғлиқ бўлган ҳолатни яхшилаш, озиқ-овқат хавфсизлигини ошириш ва тўйиб овқатланмаслик билан курашишда муваффақиятга эришиш учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш суръатларининг ўсиши аҳоли сонини ўсишидан устун бўлиши лозим. Бундай ҳолда, асосан мавжуд қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш керак. Ушбу ҳолатни яхшиланиши, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминловчи барқарор жадаллашиш ҳисобига амалга ошириш мумкин.

Ҳозирги кунда аҳолини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш концепцияси доирасида республикада ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини прогноз қилиш, ошириш ва химоя қилиш бўйича кенг қўламли мажмуавий тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ 5853-сон "Ўзбекистон Республикасини 2020-2030 йилларда янада ривожлантириш стратегиялари" тўғрисидаги Фармонида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилган. Унда асосий устувор вазифаларидан бири мамлакат аҳолисининг озиқ-овқат хавфсизлигини

<sup>1</sup><http://ru.wikipedia.org/wiki/Земельные> ресурси;

<sup>2</sup><http://kto.guru/geografia/154-sero-burye-pochvy.html>

таъминлашдир деб кўрсатилган<sup>3</sup>. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 январдаги “Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4576-сон қарорида эса, чорвачиликни янада ривожлантириш вазифалари ушбу соҳада озуқа базасини таъминлашда ҳал қилувчи омил бўлиб хизмат қилмоқда. Шу муносабат билан чўл зонасидаги тупроқ хусусиятларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб бориш, чунончи тупроқларнинг унумдорлигини ва уларнинг физик-кимёвий, биологик хусусиятларнинг ўзгаришига олиб келувчи зонал-иқлим шароитлари ва антропоген фаолият билан боғлиқ бўлган эволюцион жараёнларни аниқлаш, муайян қизиқиш ва долзарблик касб этади.

Марказий Осиё ўзининг табиий-географик, шу жумладан тупроқ-иқлим шароити ва ландшафтлари билан Евросиёнинг бошқа минтақаларидан кескин фарқ қилади. Осиёнинг бу минтақасининг бундай хилда ажралиши, энг авваломбор, унинг географик муҳитининг ранг-баранглигида, мураккаб тектоник, геологик ва рельеф тузилишида, иқлим, тупроқ, ўсимликлик шароитларининг тез-тез масофада ўзгариб туришида ҳамда инсон фаолияти таъсирида ерларни ўзлаштириш ишларида намоён бўлади. Марказий Осиё табиатининг бундай тарзда ўзгариши бир томондан табиий-антропоген омилларга боғлиқ бўлса, иккинчи томондан Орол денгизи фожиаси билан бевосита боғлиқдир. Шу икки бош омиллар таъсирида тупроқ пайдо бўлиш жараёнлари, уларнинг жойларда ривожланиш қонуниятларини чуқурроқ ўрганиш, таҳлил қилиш асосида тупроқ ресурсларидан оқилона фойдаланиш, унумдорлигини ошириш, экин, яйлов, пичанзор ва ўрмонзорларнинг маҳсулдорлигини кўпайтириш.

Тупроқ табиий-антропоген ландшафтларнинг асосий қисми. У инсон ҳаёти учун энг муҳим муҳит ва манба, унинг фаолият этадиган асосий майдони. Қисқа тарихий йиллар ва асрлар давомида одамлар тупроқ ва ўсимликларни ўзлаштириш ва ўзгаштириши билан бир қаторда, жуда йирик саноат корхоналари, сув объектлари ва иншоотларини барпо қилдилар. Инсонлар

томонидан олиб борилган бу ишлар, минтақага хос ва мос бўлган табиий қонуниятларни чуқурроқ ўрганилмаганлиги ва таҳлил қилинмаганлиги натижасида айрим ҳудудлар орасида фожиали ҳодисалар яъни, Орол денгизи фожиаси, тупроқ шўрланиши, эрозияси, чўлланиши ва хокозолар кучаймоқда.

## НАТИЖА

Ушбу тупроқларни, ранги, механик таркиби ҳамда тўшама жинслар – гипсли ётқизиклар ва оҳакли плиталарнинг яқин жойлашганлиги бўйича кучсиз ифодаланган ўрта қисми билан характерланадиган кучсиз табақалашган профили ажралиб туради.

### Оч сур тусли кўнғир тупроқларнинг кимёвий ва механик таркиби

Намуна олиш чуқурлиги, см	Гумус, %	CO <sub>2</sub> карбонатлар, %	Ca SO <sub>4</sub> 2H <sub>2</sub> O, %	Механик таркиби		Сув сўрими, %		
				Физик лой <0,01мм	Шу жумладан гил <0,001мм	куруқ қолдиқ	Cl <sup>-</sup>	SO <sub>4</sub> <sup>-</sup>
0-12	1,08	14,3	0,2	36,8	6,1	0,080	0,004	0,019
13-21	1,12	15,58	0,2	45,7	7,3	0,056	0,004	0,010
21-33	0,88	13,1	0,1	44,2	11,1	0,056	0,006	0,007
34-45	0,84	12,4	0,1	61,6	23,1	0,060	0,004	0,007
46-67	0,64	9,2	0,2	62,4	24,0	0,074	0,013	0,008
68-93	0,55	9,4	0,2	28,9	25,5	0,190	0,071	0,022

Тупроқ пайдо қилувчи она жинслари чангли-кумоқли, оҳак тошлар ва палеоген-неоген ва бўр жинсларидан ташкил топган бўлиб, гумус (0-12 см), ва тупроқ ҳосил қилувчи горизонтларида (34-67 см) учрайди. Унинг миқдори 0,64% дан то 1,08% гача, Бу қатламлардаги корбонатлар 9,2-14,3%, гипс миқдори 0,2%, йирик чанг – 36,8-62,4%, куруқ қолдиқ 0,080-0,074%, Хлор ва сульфат ионлари 0,004; 0,019 мл/кг дан пастга томон тегишлича 0,013 ва 0,008 мл/кг ўзгариб боради.

## МУХОКАМА

Демак, инсонлар томонидан бунёд этилган ирригацион тармоқлари таъсирида тупроқларда кечадиган салбий жараёнларни тадқиқот этилиши, иқтисодий шароитларини яхшиланиши билан бевосита боғлиқдир. Ишлаб чиқаришда замонавий самарали агротехнологиялардан фойдаланиши, шунингдек экологик томондан тоза ҳаво, сув ва нормал табиий муҳитга ҳам бевосита боғлиқ. Шундай экан, Қорақалпоғистон республикаларида кенг миқёсда олиб борилаётган қурилиш, бунёдкорлик, саноат, қишлоқ хўжалигида янги суғориш, мелиорация ишларини барпо қилиш, тупроқларнинг унумдорлигини ошириш, экинларнинг ҳосилини кўпайтириш каби назарий ва амалий ишлар йиладан-йилга ортиб бормоқда.

## ХУЛОСА

Хулоса қилиб шуни такидлаш жоизки, тадқиқ қилилинган тупроқ иқлим шароитларида ғаллачилик, чорвачилик йўналишларда деҳқончилик агротадбирларини ишлаб чиқибжорий этиш имконини беради.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Аринушкина. Е.В. *Руководство по химическому анализу почв.* М. МГУ.1970. – 488 с.
2. Амонов О., Жўраев А., Мамадиёров Ф., Нурматов И. Шўрланган тупроқ иқлим шароитларида баҳорги юмшоқ буғдойнинг дала унувчанлигига минераллашган ер ости сувларининг таъсири. SCHOLAR scientific journal.(ISSN 2181-4147). Vol.1. No.1(16) (2023): P-147-153.
3. <http://ru.wikipedia.org/wiki/Земельные> ресурсы;
4. <http://kto.guru/geografia//154-sero-burye-pochvy.html>